

O'zbekiston  
iqtisodiy  
axborotnomasi

6/2020

TAHLILIY JURNAL

ISSN 2010-6475

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

1919


Экономический  
вестник  
Узбекистана

Analytical magazine «Economic Bulletin of Uzbekistan» since 1919

EVU

20  
21

Халқаро мева-  
сабзавот йили  
Международный год  
овощей и фруктов  
The International Year  
of Fruits and Vegetables



AGRICULTURE

Нашрнинг бош хомийси / Генеральный спонсор выпуска

Ўзбекистон Республикаси  
кишлоқ хўжалиги вазирлиги



Министерство сельского хозяйства  
Республики Узбекистан

Нашрнинг хомийси/Спонсор выпуска



DURABLE  
GROUP

Нашрнинг ҳамкори/Партнёр выпуска



Birlashgan Millatlar tashkilotining  
Oziq-ovqat va qishloq  
xo'jaligi tashkiloti

# 2023 МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИ ЙИЛДА РЎЙХАТГА ОЛИШ ЎТКАЗИЛАДИ

**Мадина ЮЛДАШЕВА**, *Навоий вилоят статистика бошқармаси Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи*

**А**слида аҳолини рўйхатга олиш жараёни илк бор милоддан аввалги III минг йилликдан бошланган. Дастлаб бу тадбир Осиё ва Африка давлатлари, Миср, қадимги Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Японияда ўтказилган. Ушбу жараён давлатларнинг солиқ ва ҳарбий фаолияти ҳамда уларнинг маъмурий тузилмаси вазифалари билан боғлиқ равишда вужудга келган.

XVIII аср ўрталаридан аҳолини ўрганишга қизиқиш ортади. Австрия, Нидерландия, Дания, Испания, Япония, АҚШда одамлар ҳисобини юритишга киришади. Бироқ бу ҳисобкитоблар бутун бошли аҳолини қамраб ололмаган.

1665 йилда Янги Франция (Квебек) колониясида аҳолини рўйхатга олиш бўлиб ўтди. АҚШда 1790 йилда тўлиқ аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилди. Ўшанда ўн етти нафар полиция ходими мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, хонадонма-хонадон юриб, олти саволга жавоб тўплашди: уй эгасининг тўлиқ номи, ўн олти ёш ва ундан катта ёшдаги озод оқ танли эркаклар, ўн олти ёшдан кичик бўлган озод оқ танли эркаклар, озод оқ танли аёллар, бошқа озод шахслар ва қуллар сони.

Ўттиз йил ўтгач, Италия, Испания, Англия, Ирландия, Австрия, Францияда, 1851 йилда Хитойда, кейин Японияда ва ниҳоят Россияда аҳоли рўйхатга олинди. Ўтган асрнинг 70-йилларида Яман, БАА, Саудия Арабистони каби давлатларда биринчи марта мазкур тадбир ўтказилди. XX асрнинг охирига келиб аҳолини рўйхатга олиш дунёнинг деярли барча давлатларини қамраб олди. Ҳозирда жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида аҳоли ўртача ҳар ўн йилда камида бир марта рўйхатдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда илк бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1897 йилда амалга оширилган.

Табиийки, аҳолининг жорий ҳисоби бўйича мавжуд маълумотлар аҳоли сони, яшаш шароити, маълумоти, бандлиги, ёши, жинси, миллат таркиби, республика ҳудудида аҳолининг жойлашуви ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар тўғрисида аниқ хулоса ва таҳлиллар қилишга етарлича имконият бермапти.

Республикаимизда эса охири марта аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилганига 30 йил бўлди. Бунинг натижасида аҳолининг ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишда қатор қийинчиликлар вужудга келди.

БМТ 2015 йилнинг 10 июнида «2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар» резолюциясини қабул қилди. Унга кўра БМТга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилди. Бугунги кунга келиб, МДҲ давлатларида, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам бу жараёнга тайёргарлик ишлари бошланди.

Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, кейинчалик жорий йилнинг 16 март куни имзоланган «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонун, шунингдек, ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 710-сонли қарори бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонун аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш-

нинг мақсади, асосий принциплари, тартиби, даври ва муддатларини белгилаб берган.

Қонунда белгилаб берилганидек, аҳолини рўйхатга олиш - белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни. Бу жараён республика бўйлаб ёки унинг муайян ҳудудларида 10 йилда 1 марта ўтказилади. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги таклиф Ҳукумат томонидан Президентга қоидага кўра режалаштирилаётган санадан 3 йил олдин киритилади. Умуман, бу тадбирнинг замирида аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва холис ахборотни олиш мақсади мужассамдир.

Аҳолини рўйхатга олиш шахсга доир маълумотларни йиғиш амалга ошириладиган саволлар рўйхати белгиланган дастур бўйича ўтказилади, унда қуйидаги саволлар бўлиши шарт: ФИО, туғилган санаси ва жойи, ёши, жинси, миллати, фуқаролиги, яшаш жойи (турган жойи), тилларни билиши, маълумоти, никоҳ ҳолати, болаларининг сони, уй ҳўжалиги таркиби, уй-жой шароитлари, бандлиги, яшаш учун маблағлар манбалари, миграция (ички ва ташқи). Ҳукумат томонидан дастурга қўшимча равишда бошқа саволлар киритилиши мумкин, бироқ унга киритилмаган саволларни бериш тақиқланади. Йиғилган барча шахсий маълумотлар махфий ҳисобланади ҳамда респондентнинг розилигисиз уларни ошкор этиш ва тарқатишга йўл қўйилмайди.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёни уч босқични қамраб олади.

Биринчиси – тайёргарлик босқи-

чи. Бу уч йилга яқин вақт давом этади. Бунда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида фаол иштирок этиши бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шиорлар ишлаб чиқиш ҳамда аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар, жумладан, рўйхатга олиш варақалари, рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилади.

Иккинчиси – асосий босқич 10 кундан 60 кунгача даврни ўз ичига олади. Бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва рўйхатга олиш материаллари топширилади.

Учинчи босқичда аҳолини рўйхатга олишга доир бирламчи материаллар маълумотларни қайта ишлаш бўйича ихтисослашган тузилмалар томонидан қабул қилиб олинади, олинган материаллар автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашга тайёрланиб, бирламчи маълумотларни автоматлаштирилган дастурларга киритиш учун кодланади, назорат ва таҳрир қилинади, аҳолини рўйхатга олиш бўйича дастлабки натижалар олиниб, натижалар эълон қилинади ва тарқатилади. Мазкур босқич 2 йилдан 3 йилгача бўлган даврни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сонли қарорига мувофиқ мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунларида, шунингдек, республика-мизда аҳолини синов тариқасида рўйхатга олиш тадбири 2021 йилнинг 1-25 ноябрь кунларида Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманларида амалга оширилиши белгилаб берилган.

Рўйхатга олиш жараёнида ҳар бир рўйхатга олувчига аҳоли пунктининг харитасидан келиб чиққан ҳолда 350-450 кишидан, бориши қийин бўлган ва олис ҳудудларда аҳолининг сони ўртача 250 нафардан тақсимот қилиб берилади. Рўйхатга олувчи 12 кун муддат ичида белгиланган аҳо-

лини тасдиқланган шакллар асосида уйма-уй юрган ҳолда рўйхатга олиб чиқади.

Мамлакатимизда 2023 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири қўйидаги муддатларда ташкил этилади:

1-5 ноябрь кунлари – интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳолини рўйхатга олиш;

6-10 ноябрь кунлари – интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали рўйхатдан ўтган фуқаролар ва уларнинг уй манзиллари рўйхати шакллантириш;

11-22 ноябрь кунлари – аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари асосида уйма-уй юриб рўйхатга олиш;

23-25 ноябрь кунлари – ҳар бир ҳисоб участкасидаги уй-жой манзилларининг 10 фоизини танланма равишда назорат кузатуви асосида ўрганиш.

Шунингдек, фуқаро яшаб турган хонадониди(жойида) рўйхатдан ўтишни истамаса, рўйхатга олувчи унга стационар шаклда ташкил этилган участкага бориб рўйхатдан ўтишни таклиф этади ва участка манзиллини беради.

Республика миқёсида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимлари иштирок этади, ҳудудларда ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, материалларни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш, дастлабки яқунларни сарҳисоб қилиш ва натижаларни эълон қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари ходимлари жалб этилади.

Шунингдек, аҳоли рўйхатини ўтказишга тайёргарлик кўриш ёки бунда иштирок этишга рози бўлган тақдирда, олий таълим муассасалари

ўқитувчилари ва юқори курс талабалари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳам ушбу жараёнда иштирок этиши мумкин. Улар орасидан рўйхатга олиш участкалари мудирилари, инструкторлар ва рўйхатга олувчиларни танлаб олиш туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан давлат статистикасининг ҳудудий органлари билан биргаликда шартнома асосида ташкил этилади. Вақтинчалик жалб этиладиган ходимларга исмлари ёзилган нишонлар (гувоҳномалар) берилади. Бунда ходимнинг яшаш жойи текшириладиган аҳоли пунктига қатнаш учун қулай бўлиши керак. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олувчилар учун услубий қўлланмалар ва видео дарсликлар ишлаб чиқилади ҳамда қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга ҳамда маълумотларни қайта ишлашга жалб этилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган нормативлар асосида амалга оширилади. Жараёни давлат бюджети маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан якуний маълумотлар уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) эълон қилиниши белгиланган. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда натижаларини эълон қилиш бўйича «Йўл харита»сига асосан, 2025 йил 1 декабрга қадар аҳолини рўйхатга олиш якуний натижалари расман эълон қилинади ҳамда аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки ва якуний маълумотлари архивда сақлаш учун тайёрланади.

#### ANNOTATION

According to statistics, the census in our country was carried out exactly thirty years ago. Under the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 5, 2019 "On Approval of the Concept of the Population Census of the Republic of Uzbekistan in 2022", the next year's census is vital.

The article on this topic by M. Yuldasheva, Chief Specialist of the Information Service of the Navoi Regional Department of Statistics analyzes the essence and significance of the census.